

ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИГА ОИД УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР

Хаджиев Азизбек Кадамбоевич

Хоразм вилояти юридик техникуми катта ўқитувчиси
3-даражали юрист

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқ тизими муайян жамиятда амалда бўлган ҳуқуқнинг объектив сифат, ҳуқуқ билан мустаҳкамаланадиган ва тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими, тарихий ўзгарувчан, у жамият тараққиёти билан мутаносиб равишда эволюцион жараёнларни босиб ўтадиган ходиса эканлиги очиқ берилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқ тизими, ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқий нормалар мажмуи, институционал-ташкилий тизим, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт.

АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрывается содержание правовой системы как объективного качества право, действующего в определённом обществе, как система общественных отношений закреплённые и урегулированные правом, как изменчивое историческое явление проходящее эволюционные процессы параллельно с общественным прогрессом.

Ключевые слова: правовая система, комплекс правовых норм, институционально- организационная система, правовые отношения, внедрение права, состояние законности, юридическая практика.

ABSTRACT

This article reveals the content of the legal system as an objective quality of law operating in a certain society, as a system of social relations enshrined and regulated by law, as a changeable historical phenomenon undergoing evolutionary processes in parallel with social progress.

Key words: legal system, complex of legal norms, institutional and organizational system, legal relations, implementation of law, state of legality, legal practice.

КИРИШ

Жамиятимизда юз бераётган туб демократик ўзгаришларда ҳуқуқ тизими муҳим ўрин тутди. Маълумки, ҳуқуқ давлат сингари кишилиқ жамияти тарихий тараққиётининг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий

ҳодисадир. Ҳозирги даврда ҳуқуқни давлат томонидан яратиладиган умуммажбурий нормалар йиғиндиси сифатидагина таърифлаш унинг моҳиятини очиб бериш учун етарли эмас. Шу боис ҳам ҳуқуқшунослик фанида “ҳуқуқ тизими” тушунчаси борган сари кенг қўлланилмоқда.

Ҳуқуқ тизими – жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий нормалар, институтлар ва ҳуқуқ соҳаларининг муштарак йиғиндиси. Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқ тизими мураккаб тузилишга эга бўлиб, уни тадқиқ этиш ва ўрганиш фан ва амалиёт учун катта аҳамият касб этади. Ушбу мавзунинг долзарблиги яна шундаки, биз ўзимизга хос ва мос мустақил ҳуқуқ тизимини шакллантириб ривожлантира оламизми, деган саволга жавоб топиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Атрофимиздаги ижтимоий ҳаёт кишилар ўртасидаги вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тизимидан иборатдир. Ушбу тизим ўз доирасига турфа хил муносабатларни қамраб олган мураккаб жамланмадир. Бундай мураккаблик ва турфа хиллик ижтимоий муносабатлар билан ўзаро таъсирли алоқада бўлган ҳодисалардан ҳам худди шундай мутаносибликни талаб этади. Шундай ижтимоий ҳодисалардан бири ҳуқуқдир.

МЕТОДОЛОГИЯ

Юридик адабиётларда ҳуқуқ томонидан босиб ўтиладиган бундай жараён ҳуқуқ тизими мавзусида таҳлил этилиб, атрофлича ёритилади. Тизим сўзи юнонча “systeme” терминидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “яхлит”, “қисмлардан иборат” деган маъноларни англатади. Тизим асли фалсафий тушунча бўлиб, олимлар асосан унинг 3 кўринишини таъкидлаб ўтадилар: органик; ноорганик; ножипис йиғиндилар. Эътиборимиз марказида бўлган ҳуқуқ, деб аталмиш ҳодиса органик тизимлар типига мансубдир. Шу боисдан ҳам органик тизимларга хос бўлган айрим жиҳатларни санаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Улар қуйидагилардир:

– тизим ичида нафақат тузилмавий, балки генетик алоқаларнинг ҳам мавжудлиги. Генетик алоқалар фақатгина тирик мавжудотларгагина хос бўлиб қолмай, балки уларни ҳуқуқ тизимида ҳам кузатиш мумкин;

– тизим ичида координация алоқалари билан бирга субординация алоқаларининг ҳам мавжудлиги.

Юридик адабиётларда ҳуқуқ тизимини тушуниш турлича ёндашувлар, мунозаралар билан кечади. Илмий мунозараларда қуйидаги хулосаларга келинган эди: ҳуқуқни соҳаларга ажратиш учун асос вазифасини ўтовчи мезонлар ҳуқуқий тартибга солиш предмети ва методи эканлиги тан олинди; ҳуқуқнинг 3 таркибий қисмлари ажратиб кўрсатилди: давлат ҳуқуқи, моддий ва процессуал ҳуқуқ. Албатта ушбу мунозаралар ва улар самараси бўлган илмий

хулосалар совет ҳуқуқи мазмунидан келиб чиқади ва ҳозирда Ўзбекистон социалистик тусдаги давлат ҳам эмас. Бироқ бу шу кунгача ҳуқуқшунос олимлар томонидан яратилган барча илмий ҳолатларни бир четга суриб қўйиш керак дегани ҳам эмас. Шу боисдан ҳам барча илмий ҳолат ва хулосалар, айниқса, коммунистик мафкура таъсирисиз яратилганлари ҳали ҳам ўз илмий-амалий аҳамиятини сақлаб қолган.

ТАҲЛИЛ

Академик В.С.Нерсисянцнинг фикрича, ҳуқуқий тизимни таърифлаш, аслида, ҳуқуқни умумий тушунишни шартли равишда “ҳуқуқий тизим” ибораси билан алмаштиришни билдиради¹. “Ҳуқуқий тизим” ҳақида фикр юритганда, баъзи олимлар “ҳуқуқ тизими” доирасидаги фикрларни илгари суришади. “Ҳуқуқий тизим” кенг қамровли тушунча бўлиб, муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ходисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, кормалар ҳамда ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ва алоқадорлигидир². Ҳуқуқ тизимини илмий категория сифатида таърифлаш барча юридик нормаларнинг тузилмавий қурилиш шаклини ифодалаш билан белгиланади. Ҳуқуқ тизимига нисбатан илмий категория сифатида ёндашиш ҳуқуқ нормаларини тартиблаштириш, алоҳида соҳа ва институтларга бириктириш ва шу йўл билан ҳуқуқ назарияси ва амалиётини ўрганиш жараёнини осонлаштириш имконини беради.

Бизнингча, ҳуқуқ тизимига нисбатан илмий категория сифатида ёндашиш тўғри назарий йўналиш бўлиб, унга кўра ҳуқуқ тизими бу биринчидан, объектив асосда ўзгариб, янгиланиб боровчи ижтимоий муносабатларнинг илмий ифодаси; иккинчидан эса ижтимоий муносабатларга мутаносиб равишда ўзгариб, янгиланиб боровчи қонунчиликни тартиблаштириш воситаси. Зеро, мамлакатимизда фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш билан боғлиқ жадал ислохотлар олиб борилаётган даврнинг ўзи ҳам шундай ёндашувни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизими- умумэътироф этилган талаблар ва халқ манфаати ҳамда фуқароларимизнинг эркин ҳаёти, фаровон келажагини ҳисобга олган ҳолда яратилган, унга мувофиқ ҳаоакатда бўлган ҳуқуқий ходисалар, воситалар, жараёнлар, институтлар, муассасаларнинг ўзаро мантиқий боғлиқ ҳолдаги ифодасидир¹. Мамлакат ҳуқуқий тизими ҳақида фикр юритганда шу фикрни қайд этиб ўтиш ўринлики, миллий ҳуқуқий тизим

¹ Нерсисянц В.С. Общая теория права и государства. – М., 2000. –С.450

² Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т., 2002.-Б.117

¹ Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар.-Т.: SMI-ASIA, 2010- 6.25

муайян давлатнинг ички ҳуқуқи, тарихи, иқтисодий ва сиёсий тизими билан бевосита боғлиқ бўлган ҳуқуқ тизими, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий амалиёт ва юридик фанни камраб олувчи, ўзига хос амал қилиш хусусиятларига эга бўлган ҳамда доимий ривожланишда бўлган ижтимоий- ҳуқуқий воқелиқдир².

Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ҳуқуқнинг тизимлилигини инобатга олиш ўзбошимчалик билан муайян ижтимоий-иқтисодий қарорларни қабул қилиш мумкин эмаслигини тушуниб етишга имкон беради. Кўплаб иқтисодчи, сиёсатшунослар кейинчалик ҳуқуқшунос(қонуншунос)лар томонидан расмийлаштириб қўйилиши мумкинлигини эътироф этиб ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий қарорларни қабул қилиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Бизнингча, уларнинг бу қарашлари руҳий бузилиш симптомларидан бири иллюзияни эслатади. Агар бундай қарорлар ҳуқуқ тизимига, унинг бошланғич асосларига зид келадиган бўлса, нафақат муайян натижаларни бермаслиги, балки ижтимоий хавфли тус олиши ҳам мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқнинг тизимлилигини инобатга олиш фуқаролик ҳуқуқий низони ҳал этиш ёки жиной ишни кўриб чиқиш учун зарур бўлган аниқ бир нормани топиш ва қўллаш имконияти демакдир. Ўз-ўзидан бундай нормалар тизимлаштирилган бўлиб, ҳуқуқнинг муайян тузилмаларига жойлаштирилган ва бу уларни қидириб топиш, амалга ошириш, бир сўз билан айтганда ҳаракатга келтириш имконини беради. Ҳуқуқнинг тизимлилигини инобатга олиш давлат фаолиятининг ушбу турларида нафақат аҳамиятлилигини инобатга олиб мамлакатимизда қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторининг тузилиши муҳим воқеа бўлди. Гарчи ушбу классификатордан ўрин олган 50 га яқин қонунчилик тармоқларининг кўпчилиги айнан ҳуқуқ соҳалари бўлмаса-да, ушбу қарорнинг қабул қилинишини ҳуқуқнинг тизимлилигини инобатга олиш натижаси деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Ҳуқуқ тизимини тадқиқ этишда илмий-ўқув адабиётларда қатор ёндашувлардан фойдаланилади: фалсафий ёки мафкуравий (ҳуқуқнинг талқини, ҳуқуқий тушунча ва категориялар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият); норматив (жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормалар мажмуи); институционал-ташкилий (ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш жараёни билан боғлиқ юридик муассасалар); социологик, яъни ижтимоий (ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқни татбиқ этиш, қонунийлик муҳити, юридик амалиёт)³.

² Ҳайитбоев Ф. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланиши.-Т., 2006.-б.17

³ Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадрлар.-Т.: SMI-ASIA, 2010- б.27

ХУЛОСА

Шундай қилиб, жамиятнинг ҳуқуқий тизими- муайян макон ва замонда амал қилаётган ҳуқуқий ҳодисалар, ҳуқуқий принциплар, институтлар, нормалар ва ҳуқуқий жараёнларнинг муштарак бир бутунлиги, ўзаро узвий боғлиқлиги ҳамда алоқадорлиги бўлиб, уларнинг мақсадли ҳаракатланиши натижасида ижтимоий муносабатларнинг юксак савияда ҳуқуқий тартибга солинишига эришилади. Ҳуқуқий тизим яхлит ҳодиса бўлиб, таркибий қисмларнинг ўзаро ички алоқадорлиги, боғлиқлиги, мутаносиблиги, изчиллиги ва барқарорлиги билан тавсифланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES):

1. Ҳайитбоев Ф. Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимининг шаклланиши.-Т., 2006.-б.17
2. Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар.-Т.: SMI-ASIA, 2010- б.25
3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т., 2002.-Б.117
4. Нерсисянц В.С. Общая теория права и государства. – М., 2000. –С.450
5. www. lex.uz. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.